



### ТЕХНИК ТОПШИРИК

| №  | Асосий маълумотлар                         | Бажарувчи  |
|----|--|--|
| 1  | Қабул қилувчи ташкилот                     | Норин тумани тиббиёт бирлашмаси  |
| 2  | Бўйртмачи                                  | Норин тумани тиббиёт бирлашмаси  |
| 3  | Бўйртма учун асос                          | калькуляция  |
| 4  | Объектнинг жойлашган манзили               | Норин тумани Хақулобод шаҳар   |
| 5  | Катнашувчи учун талаблар                   | <ul style="list-style-type: none"> <li>- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).</li> <li>- Танловда катнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.</li> <li>- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.</li> <li>- Банк кафилиги бўлсин.</li> <li>- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.</li> </ul> |
| 6  | Товар (иш хизмат маҳсулот) номи ва миқдори | Наманган вилояти Норин тумани тиббиёт бирлашмаси кирхонаси аутсорсинг хизматига утиш   |
| 7  | Иш тури                                    | Хизмат кўрсатиш бериш  |
| 8  | Хизматларни бажариш муддати                | Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 15 кун муддатда  |
| 9  | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар        | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.  |
| 10 | Молияташтириш манбаи                       | Норин тумани тиббиёт бирлашмасининг бюджетдан маблағлари ҳисобидан.  |

**ТТБ бошлиғи уринбосари:**

**Бош ҳисобчи:**

**Иқтисодчи:**

**Қурилиш ишлари бўйича мутахассис:**

**М.Собиржонов**

**З.Абдукаххарова**

**Д.Исаков**

**М.Абдурахманов**



«ТАСЛИҚЛАЙМАН»  
«Норин тумани тиббиёт  
бирлашмаси»

Н.Холмирзаева

« 1 » июль 2022 й

## БУЮРТМАЧИ:

Норин тумани тиббиёт бирлашмаси кирхонасини  
аутсорсинг хизматига утиш учун  
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Норин тумани -2022

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Норин тумани тиббиёт бирлашмаси қирхонасини аутсорсинг хизматиға ўтказиш учун малакали мутахассисларға эға бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 68 850 000 (олтмиш саккиз миллион саккиз юз эллик минг ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Норин тумани тиббиёт бирлашмаси” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 91511, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Беруний кўча,

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин тумани тиббиёт бирлашмаси” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишға ихтисослашган, тажрибаға эға байрам тадбирлар

харажатлари ва совгалари билан таъминлаш бўйича малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).

- Танловда қатнашиш кунда Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги икки йиллик иш тажрибаси.

- Банк кафилиги бўлсин.

- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

- Калькуляция, шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.